

Набий алайҳиссаломнинг шом ва хуфтон намозида қироат қилган суралар | Ҳадис дарслари (327-дарс)



19:00 / 07.05.2025 2213

أَفْرَعَاتِ السُّرْمِ وَأَوْزُقَيْ وَهُوَ تَعَمَّسَ لَضَفْلًا مُأْنَاهُ عُهُلَلِ يَضْرِبُ سَابْعَ نَبَا ع
نَمْ تَعَمَّسَ أَمْ رُخَّالَ أَهْنِ إِهْرُوسَ لِهَدَهَ كِتَاءَ رُقُبِ يَنْتَرِكُ ذَدَقْلَه لَلْأَوْ يَنْبُ أَيُّ تَلْأَقَوْ
بِرْعَمْلَ يَفْ أَوْبَ أَرْقَيْ مَسَوَّهَيْ لَعُهُلَلِ لَّصَه لَلْأَوْسَر

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Умму Фазл у кишининг «Вал мурсалати урфа»ни қироат қилаётганини эшитиб:

«Эй, ўғлим, Аллоҳга қасамки, ушбу сурани қироат қилишинг ила, батаҳқиқ, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан охирги

эшитган нарсамни эслатдинг. Уни Шом намозида ўқиган эдилар», деди».

Шарҳ: Умму Фазл – Ибн Аббос розияллоху анхунинг оналари, ҳазрати Аббос ибн Абдулмутталибнинг хотинлари. Исмлари Лубоба бинти Ҳорис.

У киши Маймуна бинти Ҳорис онамизнинг опалари, Умму Фазл куняларидир. Фазл ибн Аббос розияллоху анху ҳам у кишининг ўғиллари бўлиб, Самарқанддаги Шоҳи Зинда номли мақбарага дафн этилганлар.

Ушбу ривоятга кўра, Набий соллаллоху алайҳи васаллам Шом намозида «Вал мурсалати урфа» сурасини иккига бўлиб, биринчи ва иккинчи ракъатларда қироат қилганлар.

عَوَّلَعُ لَلِ اَلِصَّهْلَلِ لُؤْسَرُتْ عَمَسَ : اَلْاَقُؤْ عَنُ عُلَلِ اِيضَرْمِ عَطْمِ نُبْرِي بُجْ نَع
ةَسْمُ حُلَلِ اُمُّهْ اَوْرِبْ عُمُّ لْاِي فَرْوُطْلِ اَبْ اَرْقِي مَلَسْ و

Жубайр ибн Мутъим розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг Шомда «Ват-тури»ни қироат қилганларини эшитдим».

Иккисини бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало Жубайр ибн Мутъим розияллоху анху билан яқиндан танишиб олайлик:

Жубайр ибн Мутъим ибн Адий ибн Навфал ал-Қураший, кунялари Абу Муҳаммад.

Бу саҳоба Қурайш қабиласининг бой-бадавлат бошлиқларидан эдилар. Жубайр ибн Мутъим аввалига Ислом душмани бўлганлар. Лекин Макка фатҳ этилган куни Исломга кирдилар.

Жубайр ҳаммаси бўлиб 60та ҳадис ривоят қилганлар.

Бу зотдан Сулаймон ибн Садр, Абдурраҳмон ибн Азҳар, икки ўғиллари Нофеъ ва Муҳаммадлар ривоят қилганлар. Жубайр ибн Мутъим ҳижратнинг 53-йили вафот этдилар.

Жубайр ибн Мутъим розияллоху анху бўлган воқеани қуйидагича ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида Бадрда асир тушганлар ҳақида у зот билан гаплашиш учун Мадинага келдим. Етиб келсам, у зот саҳобалари билан Шом намозини ўқиётган эканлар. «Инна азаба Роббика лавақеъ» («Роббингнинг азоби албатта воқеъ бўлгувчидир») деганларини эшитиб, қўрқувдан юрагим ёрилай деди. Фориф бўлганларидан кейин у зотга асирлар ҳақида гапирдим.

У зот:

«Агар шайх (яъни Жубайрнинг отаси Мутъим ибн Адий) келганида, улар ҳақида шафоатни қабул қилар эдим», дедилар».

Ушбу ҳадисдан Шом намозида қироат ошкора қилинишини билиб оламиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Шом намозида «Ват-Тури»ни қироат қилганлар. Лекин уни тўлиқ ўқиганларми, икки рақъатга бўлибми ёки баъзи оятлариними, буниси маълум эмас. Чунки ҳадиснинг ушбу ривоятида ҳам, бошқа ривоятларда ҳам бу нарса очиқ баён қилинмай, ундаги баъзи оятларгина зикр қилинган.

Шунинг учун уламоларимиз «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам одатда «Ват-Тури»га ўхшаш узун сурани Шом намозида қироат қилмас эдилар, баъзи оятларинигина қироат қилган бўлсалар керак», дейишади.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ҳаддан зиёд узун ўқиган, одамларга малол келтирган Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуга «Сен фитначимисан, эй Муоз!» деб, икки марта танбеҳ берганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.